

АУРОБИНДО ГҲОШНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН МАСАЛАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Валиев Лочин Азаматович

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Раматов Ж.С.

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ауробиндо Гҳошнинг инсон ҳақидаги муҳим фалсафий зоялари илгари сурилган, Файласуф ўзининг инсон концепциясини яратишида, инсон маънавий - ахлоқий фазилатлар ҳақидаги қарашлари, инсон борлиги ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ҳамда унинг асосий хусусиятлари, таълим – билимга асосланган этник фазилатлар ва санъатларни халқларга сингдириши, унинг тарбиявий идеали, шунингдек, инсон ҳақидаги фалсафий - дидактик қарашларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ва унинг моҳияти масалалари таҳлил этилган.

***Калим сўзлар:** Инсон, жамият, таълим - тарбия, ҳайвонот ва ўсимлик, одоб – ахлоқ, эзгулик, эркинлик, билиш, инсонпарварлик, тўғрисиўзлик, одиллик, қадрият, адаптация.*

ABSTRACT

The article presents the important philosophical ideas of Aurobindo Ghosh about man, the Philosopher in creating his concept of man, his views on human spiritual and moral qualities, human existence and its place in social life, and its main features, inculcation of ethnic qualities and arts based on education - knowledge, his educational ideal, as well as the importance of philosophical and didactic views of man in the education of young people and its essence

***Keywords:** Man, society, education - upbringing, animal and plant, decency - morals, goodness, freedom, knowledge, humanity, correctness, justice, value, adaptation.*

АННОТАЦИЯ

В статье представлены важные философские идеи Ауробиндо Гоша о человеке, Философа в создании его концепции человека, его взгляды на духовно-нравственные качества человека, человеческое существование и его место в общественной жизни, его основные черты, привитие этнических качеств и анализируется искусство, основанное на воспитании – знании, его

воспитательный идеал, а также значение философско-дидактических взглядов человека в воспитании молодежи и его сущность.

Ключевые слова: *Человек, общество, образование - воспитание, животное и растение, порядочность - нравственность, добро, свобода, знание, человечность, правильность, справедливость, ценность, приспособление.*

КИРИШ

Жамиятда ҳар бир шахсининг ижтимоий ҳаёт йўналишини бир мувозанатда ушлаб турувчи кучлар мавжуд бўлади. Улардан бири сифатида кўриладиган инсоннинг олий онгини таъминловчи ирода бўлса, иккинчиси инсоннинг ҳаётини кучига тириклик бахш эталадиган, онгли тупроқ каби сингдирувчи, шахсининг фикр ва ғояларидан ташкил топадиган ҳамда номукамал ақлни ишга соладиган иродадир. Шундай қилиб улар мукамал ирода ва ўзгарувчи ирода ҳисобланади.

Ҳозирги инсонлар ҳаётнинг паст баландлигига зўрға бардош беради, ундандан юқори қийинчиликларга чидаш эса улар учун эришиб бўлмайдиган довод сифатида кўрилади. Худди Алишер Навоийнинг комил инсон тушунчаси каби унга фақат ҳаракат қилади аммо ундай бўла олмайди, унга қанчалик яқинлашганинг сингари узоқлашиб бораверади. Шу йўллари босиб ўтиб комилликка еришилади. Ауробиндо Гўшнинг айтишича инсон ўз – ўзини енгиш ва ортда қолдириш инсонга ҳузр бахш этади зероки ўзининг ўзидан устунлик қилиши барча инсонларга ҳам насиб қилавермайди. Биз биламизки оддий инсон табиати тирик табиатдаги ўзига хос ўзгарувчанлик сифатида қараладиган ҳодисадир. Шу сабабли табиатдаги ўзгарувчанликка биз топилган нуқсон сифатида қарашимиз мутлақо нотўғри. Инсоннинг ғайритабиий қобилияти бу унинг юқори ондан мукамалликка қараб ўтиб кетганлигидан деб баҳолаймиз. Бу мукамаллик ҳали тўғри тартибга солинмаган, она табиатни ҳисобга олиб тирикликни нотўғри ташкил этган, қобилиятларини ва ўз салоҳиятини тараққиётининг тадрижий ривожланишини ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан солиштирганда ҳайвон каби ўз табиатининг имкониятларидан тўлиқ камолотига етмаганини кўришимиз мумкин[1]. Жумлаларни ўқиб бироз тушунмовчиликка келиш мумкин. Бу ерда инсоннинг табиатдаги қобилиятларини ўз имконияти даражаси етгунича фойдаланаолиши ҳақида сўз юритилмоқда аммо, бу қобилиятларни ташқарига инсон тўлиқ чиқариб бераолмайди. Зеро ҳайвонот дунёсида ҳайвонлар оллоҳ томонидан берилган куч – қудратини тўлиқ ҳаракатга келтираолади. Биз қанчалик ҳаракат қилмайлик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мукамаллигига эришаолмаймиз.

Файласуфимиз шу ерда одамзотнинг нима сабабдан номукамаллик эга эканлигини тушунтирар экан, одамзотнинг икки ёқлама табиатга эгаллигини айтишимиз мумкин, биринчидан хайвоний табиатга эга эканлиги яъни ҳаётининг инстинктларини ошириш ва қондириш учун яшаши ҳамда иккинчи табиати унинг онгли равишда ички табиатини ривожлантиришга қаратилган ярим илоҳийликнинг ажойиб кўриниши бўлмиш яхшилик ва гузаллик ҳақида сўз олиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Адабиётларимизнинг кўп қисми хориж адабиётларидан ташкил топган бўлиб, асосан мақоламиз мавзуси асосида йиғилган. Бундан ташқари ўзимизнинг шахсий мақолаларимиздан ҳам иқтибослар келтириб ўтилган. Хусусан Е.С. Крючованинг. “Шри Ауробиндо о духовной трансформации и ее необходимости для духовного возрождения человечества” номли мақола мавзумизга мос ҳолда уни очиб беришда фойдаланилган. Худди шунга мос адабиётларимиздан Булгаков С.Н., свящ. Тихие думы ва Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсон онгининг Supermind даражалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Шри Ауробиндо Гхошнинг айнан мақоламиз асоси бўлган Синтез Йоги ва Ромаҳнинг О.В. Теория культуры асарлари ўрин олган. Буларда инсон онгининг устириш илмий ривожланиш орқали маънавий юксакликка эришиш йўллари ҳақида ўзимизнинг шахсий фикрларимизни киритиб ўтдик.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Инсон ҳаёти одатда ўзининг эҳтиёжлари ва истакларининг ўсишини қондиришдан ҳамда жамият олдида ўзини эътироф этишга ва ҳар соҳада мукамаллик томон ҳаракат қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Ушбу эҳтиёжларнинг асоси бўлмиш ҳаётининг кучнинг биринчи ҳаракати инстинктив ва онгсизликдир. Шунини айтиб ўтишимиз жоизки, ҳозирда инсонларнинг жамиятда адаптация қилиш ва ҳаётни давом эттириш учун яъни мавжудликни тўхтатмаслик учун табиий эҳтиёжларни қондириши кейин эса ўсишга ва жисмоний ҳаракат эҳтиёжини босишга интилиши ўз – ўзидан инсонни яшашга бўлган ҳаракатини жадаллаштириб боради. Бундан сўнг эса ирода эркинлиги шахсни тур хил завқланишларга чорлайди. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида шуни эътироф этамизки, она табиатнинг турли хил тириклик шакллари битмас – туганмас энергияси қандай қилиб ўзи – ўзидан инстинктив тарзда намоён бўлиши, уни автоматик импулсга қанчалик буйсунишини кўришимиз мумкин. Бу позициядан тўғри сабабиятни танлаб олиш мушкулдир аммо, Ауробиндо Гхош бунинг талқинини тўғри очиб берган файласуфлардан биридир. Аслида

инсоннинг бундай чалкашликларга дуч келиши унинг барча муаммоларнинг асл моҳиятини тушунмаслигидадур. Бунга мисол тариқасида немис файласуфи Фридрих Нетшининг “виталистик” фалсафасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Унинг талиқинига қарасак, вазифа ўзининг асл ва ҳақиқий “мен”ини топаолмаган ва ҳозирда аниқ моҳияти бўлмиш инсоний ҳолатидан суперменини ривожлантиришгача бўлган сабабиятдир[2].

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ҳаёт ва материяни ўрганган инсоннинг тажрибаларига таянган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, ҳаёт ва материянинг энг кучли ва муҳим қуроли бу онгдир. Онгни материя деб айтолмаймиз аммо материянинг онгли англашимиш мумкин бўлаолади ва биз шунинг учун ҳам унинг қуролини онг деб бемалол қайта – қайта такрорлайоламиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашимиз мумкинки, кейинги даврларни “материализм даври” деб таъкидлаш ўринлидир, буни файласуф инсонларни нафслари шундай каттаки, бу нафснинг ордидан ўзининг ҳалокатини ҳам кўрмай қолади, улар мол – мулк, тижорат ва шунга ўхшаш буюмларнинг ордидан югуриши шу материализмга тобелигини кўрсатмоқда. Инсоннинг моддиятга тобелиги йилдан йилга ўсиб бормоқда натижа эса аламли тарзда ёмонлашмоқда. Одамзоднинг моддийлашуви одоб – ахлоқ категорияларини инсон онгидан сиқиб чиқармоқда, инсонларнинг ўзига ишончи йилдан йилга пасайиб ўзини кераксиз буюмдек ҳис қилмоқда. Бизнинг ақлимиз ҳаёт ва материянинг хизматкорига айланиб бормоқда, аслида ақл – онг инсонни барча соҳаларида моддийлик, маънавийлик ва ахлоқийда бошқарувчи рол вазифасини бажариши лозим[4]. Бизчи биз нимага айлангирдек ақлимизни? руҳимизни маънавиятимизни моддий манфаатларимизни қондириш учун ўз – ўзимизга қабр қазиб жаҳон уруши оловини ёқиб цивилизациялашган халқлар ўртасида сунъий келишмовчилик келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси ақлимиз, онгимиз ва руҳимизни нафсимизнинг ажойиб хизматкорига айлангирганимиздан келиб чиқди. Жаҳон бозорида савдо - сотиқнинг ривожланиши, жамиятларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан цивилизациялашуви ҳамда давлатларнинг ерга эгалик қилишида нафсларининг қондирилмаслиги натижасида биринчи жаҳон урушини юзага келтирди. “Бу муаммоларнинг ечими руҳий борлиғимизни ишлатиб, ҳаётий ва жисмоний табиатимизни ўзгартирадиган руҳий ўзлигимиз бўлган илоҳийлигимизни биздаги илоҳийликни англаш ётади”[5]. Гўш ўзимиздаги илоҳийликни англаш учун энг аввало инсон маънавиятини англаш керак бўлади, бунинг учун эса руҳий ҳиссиётларимизни поклашимиз зарур. Одамлар бунга қачон ички ҳис – туйғуларини англай олганда ва айрим ҳиссий табиатнинг одатларидан халос

бўлгандагина покланади. Бироқ инсон учун ўзгармас туйғу севги бўлиши керак, бу барча воситалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Аслини олганда севги юракка ҳос бўлиб, бир хилликка мувозанатини сақлаши лозим. Аммо бу восита ҳам яъни севги ҳам тозалаш – покланишдан ўтиши шарт. Биз бир нимани ёддан кўтармаслигимиз керакки, бу дунё гўзаллигига ҳос севги эмас балки оллоҳга бўлган муҳаббатдир. Севгининг моҳиятига кўра жозибаторлиги ягона Оллоҳга бўлган бирлиги билан қувончлидир. Марказий Осиё халқларининг фалсафасида севги, муҳаббат тушунчаларини асосан Оллоҳга юналтиради. Хусусан “машуқа, ёр” каби тушунчаларнинг маъноси ҳам Оллоҳ деган сўзларни англатади.

Йога фалсафасида севги Олийга йўналтирилади, агарда бошқа мавжудот ёки бирор нарсага қаратилаган бўлса ҳам унинг маъноси Олий англатиши лозим. Олийга бўлган севгида худбинликка чўмилтирилган даъволар бўлмаслиги шарт. Ўзининг моҳиятига қарасак севги биллур каби соф ва тоза бўлиши керак аммо, инсон онгида биров аралашувга дуч келади. Бизнинг онгимизда севгининг сифати озми – кўпми ўзгариш билан билан мутоносиблик ҳосил қилади. Севгининг эгалик инстиктлиги ҳаётий муҳаббатдан далолат беради. Одамлардаги ҳаёти эгалик севгиси ўзгарувчан ва нисбий бўлади. Аммо Оллоҳга бўлган севги эса мутлоқ ва ўзгармасдир сабаби, фоний дунёда ҳам абадий дунёда бир хилликда тураверади[6].

Файласуф Вивекананднинг фикрларига кўра севгининг илоҳийлиги унинг ҳақ Таолога етаклашидир, худди Йога таълимоти сингари. Худога бўлган илоҳий севгининг бир дақиқалик инсонни ақлини олишлиги умрбоқий эркинлик кучига эриштиради. Агарда инсон Худога бўлган севгига эришса худди нирванага эришган сингари абадий хотиржамликка эришади, нафрат ва ғазабдан йироқда бўлади ва ҳар доим Худо яратган барча нарсага меҳр тўла қалб билан боқади. Аммо биз уни дунёвий ташвишларимиз ва истакларимиз билан унга эришаолмаймиз, бунинг барча дунёвий ташвишлардан воз кечган ҳолда Худога бўлган севгига интилишимиз зарур бўлади. Юқорида айтганимиздек, илоҳий севгига эришиш ва унга сингиб кетиш инсонга домий мамнунлик ҳис қилади ва ҳамма нарсани яхши кўради [7].

Хулоса ва таклифлар(Conclusion/Recommendation).

Хулосамиз шуни кўрсатадики инсон табиатининг энг пастки турларини юқори босқичга олиб чиқиб уни буйсундиришга бўлган барча ҳаракатлар ҳозиргача бирор бир тайинли натижани кўрсатмаяпти. Бу муваффақиятсизликларнинг асосий сабаби онгимизни барча динларга нисбатан маънавий озуқачи сифатида қараб бу динларда инсониятни илоҳийлаштира

олмаганимиздандир деб қарайди. Гҳош ўзимиздаги илоҳийликни англаш учун энг аввало инсон маънавиятини англаш керак бўлади, бунинг учун эса руҳий ҳиссиётларимизни поклашимиз зарур. Одамлар бунга қачон ички ҳис – туйғуларини англай олганда ва айрим ҳиссий табиатнинг одатларидан халос бўлгандагина покланади. Ҳар қандай ҳолат ҳам Тангри томонидан юборилаётган офат, кулфат, бахт ва омадни инсон тоблаш ва синови эканлигини агарда шу синовлардан Худонинг илоҳий севгисига етишиши ва энг муҳими ички хотижамлигини қабул қилиши мумкин. Шу сабабли ҳар қандай азоб – уқубатларда руҳнинг чақирувига ички руҳиятимиз билан тайёр турмоғимиз шарт

REFERENCES

1. Валиев Л.А. Ауробиндо Гҳошнинг ижтимоий – фалсафий қарашларида инсон ақли. Academic research in educational sciences. Scientific Journal. Тошкент, 2021 феврал. № 2. 808 – 815
2. Валиев Л.А. Ауробиндо Гҳош фалсафасининг маърифатпарварлик ғоялари. Oreantal renaissance. Innovative educational, natural and social sciences journal. Тошкент, 2021 йил - №-4.Б 568-574
3. С.Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Валиев, Л. А. АУРОБИНДО ГҲОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ.Л.А.Валиев. Гҳош таълим концепциясининг шахс маънавиятидаги ўрни. ТДТрУ.2022. Б.522-526
4. Раматов, Ж. С., Валиев, Л. А., & Ҳасанов, М. Н. АУРОБИНДО ГҲОШ ТАЛҚИНИДА ИНСОН БОРЛИҒИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.
5. Раматов, Ж. С., Валиев, Л. А., & Ҳасанов, М. Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ–ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР.
6. Валиев, Л. А., & ўғли Нурхонов, Б. Ш. ИНТУИЦИЯ: АУРОБИНДО ГҲОШ ВА ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИ НИГОҲИДА.